



**“ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ,
АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК
МАСАЛАЛАРИ” РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
(ПРОФЕССОР МУХАММАДЖОН
ХОЛБЕКОВ ХОТИРАСИГА
БАҒИШЛАНАДИ)**

60. *Жуманазаров Умирзоқ Абдураззақович*, АЛИШЕР НАВОИЙ
ХАҚИДАГИ ДОСТОН 313
61. *Насиров Камилжон Жайлауевич*,
ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ АЛИШЕРА НАВОИ 319
62. *Бердиев Хусан Холназарович*
НАВОИЙ МЕРОСИ ВА УСТОЗЛИК МАҚОМИ САДРИДДИН АЙНИЙ
ТАЛҚИНИДА 324
63. *Иззатиллаев Парвиз Иноятиллаевич*, “ДЕВОНИ ФОНИЙ”
АСАРИНИНГ ЭРОНДАГИ НАШРЛАРИ ХУСУСИДА 328
64. *Ашурова Зулхумор*
БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА НАВОИЙ СИЙМОСИ 335
65. *Бекташева Гулбахор Райимжоновна*, БЕГАЛИ ҚОСИМОВНИНГ
“ЗАМОНЛАРНИ БИР-БИРИГА УЛАГАН ШОИР” ХАҚИДАГИ
ҚАРАШЛАРИ ХУСУСИДА 338
66. *Абдувахобова Дилдора Эркиновна*
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ШУХРАТИНИ ОЛАМГА ЁЙГАН АДИБ 339
67. *Илиева Лола Камоловна*
НЕМИС ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ХАЁТИ ВА
ИЖОДИНИ ЎРГАТИШ-ЎРГАНИШ ХУСУСИДА 342
68. *Ikromov Ismoiljon Ibrohimjon o'g'li*,
QO'QON XONLIGI MADANIY HAYOTIDA ALISHER NAVOIY IJODI
YOTIGA MUNOSABAT 346
69. *Худайбергенова Лолахон Ирисмахаматовна*,
Ачилова Клара Ирисмахаматовна
ШАРҚ АДАБИЁТИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМ
ЭТИШИ 349
70. *Сагындыкова Зауре Амантаевна*,
ИЗ ВСЕХ БОГАТСТВ ВЫСШЕЕ — ЧЕЛОВЕК 353
71. *Баубекова И.М., Рубанов Р.В.*, РОЛЬ И МЕСТО ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ВЗГЛЯДОВ И УЧЕНИЯ АЛИШЕРА НАВОИ В СОВРЕМЕННОЙ
ПЕДАГОГИКЕ 357
72. *Айкозова Динара Рахматуллаевна, Бопиева Гульнара Турганбаевна*,
Аманкулова Айна Умараликызы,
НАВОИ — ДОСТОЯНИЕ ВСЕГО ЧЕЛОВЕЧЕСТВА! 362
73. *Алиакбаровова Шахноза Бабажановна, Абдумажитова Чаман*
Аймахановна, АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ 367
74. *Аблаева Ақмарал Еламановна Галамовна Манзура Абдырахманова*,
НАУАИ – ЗАМАН МЕН ХАЛЫҚТАРДЫ БІРІКТІРГЕН ҰЛЫ ТҮЛҒА 370
75. *Рузманова Рохила Усмановна*, АЛИШЕР НАВОИЙ ВА УСМОНЛИ
ТУРК ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК ЖАНРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ 374
76. *Ахмедов Турсинали Сапаралиевич*, ӘЛШЕР НАУАИ
ШЫҒАРМАЛАРЫНЫҢ ҚАЗАҚ ТІЛІНЕ АУДАРМА ЖАСАЛУЫНЫҢ
ТАРИХЫ МЕН БҮГІНГІ ЖАҒДАЙЫ 380
77. *Rismetova Makhliya Kamiljankizi*,
ALISHER NAVOI THE GREAT POET 384
78. *Тошкенбоев П.И.*, АЛИШЕР НАВОИЙ ДАВРИДА ТОМОША
САНЪАТИ 389
79. *Неъматова Сапура Мустафақуловна*,
АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
ҒАЗАЛЛАРИДА МУШТАРАКЛИК 392

**АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
ҒАЗАЛЛАРИДА МУШТАРАКЛИК**

**Неъматова Сапура Мустафақуловна
Жиззах давлат педагогика институти
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси
Телефон: + 99897328850
GMAIL sapuranematova@gmail.com**

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларида воқеабанд байтларида шоирларнинг истак-орзулари акс эттирилади. Бу мумтоз адабиётнинг зиёбахш анъаналари асосида юзага келтирилади. Ва жамиятда яшаш қандай бўлиши кераклиги, кимлар тараққиётга қандай ҳисса қўша олиши намоян бўлади. Воқеабанд ғазаллардаги ижобий тимсол шоирнинг, ижодкорнинг ўзи бўлиши мумкин. Бундаги илғор савияли лирик қаҳрамон билимли, серғайрат, ёрқин ақл соҳиби бўлиши керак, албатта. Кўпинча бундай илғор шахс ёзувчининг, ижодкорнинг ўзи бўлиши мумкин. Ғазалда кўз тутган ғоя шунда амалга ошиши мумкин. Бу масалада шоир романтикадан ҳам ўринли фойдаланиши мумкин. Адабиётда романтиканинг ҳам роли баланд эканлиги, асарнинг ўқишли, мафтункор бўлишига бу ҳам сабабчи бўлади. Алишер Навоийнинг:

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимгау ул шўқи бадхў келмади.*

деб бошланувчи ғазалидаги воқеабанд мисралар ўқувчини ўзига банд этади. Ушбу ғазалдаги воқеа таъсирида анъанавий тарзда Бобур ҳам ўзининг куйидаги ғазалини яратади:

*Бу кеча кулбамга келди ул қуёшим ёшурун,
Қарнларда келмади ҳаргиз шунингдек кечқурун.
Оғзидек тор фурсати васлию ҳам ҳажри туни,
Ул муанбар сочи янглиғ ҳам қоронғу, ҳам узун.
То хаёли оразинг тушти қўнғилга ул қуёш,
Бўлди қўнғлум бир ёнар ўтў сўнгаларим ўтун.*

Келтирилган матннинг биринчи каторидаги мисраларда лирик қаҳрамон кулбасига қўёш янглиғ маъшуканинг кириб келишидан хушнуд бўлгани ҳолда яна ул гўзалнинг бундай кириб келиши одатга, удумга хилоф ҳисобланиб, бундай воқеалар ҳар вақтда, узоқ йилларда бир марта рўй беришини ҳам ифода этади. Алишер Навоийнинг “Ваъдага вафо қилиб, вафога ваъда қилгил” деб

бошланувчи мазмундаги ғазалига жавоб тарзида яратилган байтларга эътибор қаратамиз:

*Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?
Юз кўрсатиб эл ичида лутф этар эрдинг,
Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди?
Жонимга даво сўзинг эди, сўзламадинг, оҳ,
Жон дардига дармон қани, эй ёр, не бўлди?
Мундоқму эди аҳдқи, Бобурни унуттунг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди.*

Маълумки, муҳаббат тариқида, расмида аҳдга вафо қилмиш энг муҳим фазилат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Бобур ғазалидаги лирик қаҳрамон ҳам севгилининг ошиқиға берган ваъдаси, аҳду паймонининг бажарилишини, бу йўлда садоқатли бўлишни талаб қилади. Аҳду паймон сохта бўлса, бу севишганларнинг бир-бирига нисбатан кадрсизлигини билдиради. Ҳақиқий ошиқ-маъшуқлар эса ҳеч қачон аҳдидан қайтмайди. Бу йўлда жонини ҳам беришга тайёр турадилар, мисоли Лайлининг Мажнун севгисини қалбида сақлаб жон бергани каби. Ҳижрон Шомидан дилхун бўлган, ёрнинг вафосизлигидан озурда ҳол бўлган шоир куйидагича нолиш қилади:

*Шоми ҳижронин манга ул бевафо кўрсатмагай,
Ҳар шоми асру муҳлиқтур, худо кўрсатмагай.
Ваъда айлаб васл, кўрсатиб не жонимга ҳажр,
Неча кўнглумга жафо қилгай вафо кўрсатмага.
Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузум,
Ё раб, андоқ кунни ул кўзи қаро кўрсатмагай.
Ишиқ истар бўлса Мажнун айлагай пайравлигим,
Йўлни не билгай киши, то раҳнома кўрсатмагай,
Очмагай кўзини, то сўкмакка оғзин очмагай,
Юзини кўрсатмагай, то юз жафо кўрсатмагай.
Учкудектур жон қуши ҳижронда Бобур оҳидин,
Кел пари, таъжил ила жоним ҳаво кўрсатмагай.*

Ошиғини шоми ҳижронга солган маъшуқанинг аҳдига вафо қилмаганидан шикоят қилаётган лирик қаҳрамон чуқур изтироб чекади. Васлига ваъда айлаб, ҳижрон азобига дучор қилишни касб қилиб олган маъшуқа яна ваъда қилиб, бироқ ўз ваъдасида турмай вафо расмини бузганлиги, натижада вафосизлик азоби, дилхунлиги ошиқни оғир аҳволга солиб кўйганлиги баён этилмоқда. “Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузум” деган шоир гўзалнинг қаро кўзини ошиқнинг ҳижрон тунига ўхшатилади. Яъни кўз ҳам қаро, ҳижрон тунга ҳам қаро эканлиги санъаткорона тасвирланган. Мумтоз ғазалиётда кўзининг қаролигини тунга ўхшатиш қадимдан мавжуд бўлиб, кўзни тунга ўхшатилиши табиат ва инсон ўртасидаги табиий равишда боғлиқликни ҳам билдиради. Ҳавонинг булут қошлаб, қорайганлиги ҳам инсоннинг кайфияти, ҳолати, рухий оламига муқояса қилиниши билан мантиқан бир-бирига боғлиқ ҳолда ўзгариши албатта, табиий

бир ҳолдир. Ошиқ, лирик қаҳрамон ишқ масаласида Мажнун ҳам пайравлик қилиши, ишқ талқини, ройишини ўрганиш, унинг қоида-қонунларини амалда кўрсатишини таъкидлайди. Яъни ишқни Мажнун ҳам мендан ўргансин деган маънони лирик қаҳрамон сўзида ифода этилиши ўқувчини ўзига жалб этмасдан қолмайди. Шу ўринда А.Навоийнинг “Топмадим” радифли ғазалидаги сатрларга эътиборни жалб қиламиз.

*Кўп ўқудум Вомиқу, Фарҳоду, Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.*

Келтирилган ғазаллар мазмунидан англашиладики, ҳар икки шоир ҳам ўз лирик қаҳрамонини ишқ йўлида фидоийлигини, ишқни олий даражада тушунишини ифода этади. Ишқ йўлида Вомиқ ҳам Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам кўп азиятлар чеккан, кўп машаққатлар чеккани дostonларда тасвирланган. Мажнуннинг қисмати, унинг Лайли ишқида мажнун бўлиши, Лайлининг исмидан бўлак ҳеч бир ҳодисанинг аҳамиятсизлиги, ҳеч қандай нарса ҳақида ўйлаши, хаёл суриши мумкин эмаслиги дoston сюжетидан маълум. Ҳатто Қайснинг отаси Мажнуннинг аввалги ҳолатига қайтаришни, Лайлини унутишини ният қилиб Маккада сажда қилиб тилагингни Аллоҳдансўра, дея Мажнундан сўраганида, Мажнун отаси истаганидек “бу ишқдан мени холи қилгин” деб эмас, аксинча, “Лайли ишқини яна ҳам қалбимда маҳкам қилгин” деб илтижо қилади. Илтижосини эшитган Мажнуннинг отаси бу ишнинг иложи йўқлигига, Лайли ишқини Мажнун кўнглидан чиқариш амри маҳол эканлигини тушунади ва Маккага сафар самарасиз бўлганидан афсусланади. Бобур ғазалларида, жумладан, шу ғазалида ҳам ишқ машаққатини бу руҳий тафсилоти, таъсири ва ишқнинг ниҳоят даражада улуғ бир туйғу эканлигини ўтли мисраларда ифода этганлиги маълум. Алишер Навоийда:

*Қоши ёсинму дейин кўзи қаросинму дейин,
Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин.
Кўзи қаҳримму дейин, киприки заҳримму дейин,
Бу қудратлар аро рухсори сафосинму дейин.*

Ушбу ғазалда Алишер Навоий лирик қаҳрамонни мафтун этган гўзалнинг қоши, кўзини мадҳ этади. Маълумки, шарқ шеърлятида гўзалларнинг қоши, кўзи жуда кўп мадҳ этилган. Ва гўзалликнинг биринчи ошиқни ўзига жалб этувчи аъзо ҳам қош ва кўз деб тавсифланади. Шарқона шеърляти қора кўз, камон қошлиқ гўзаллар ошиқларнинг ақлини олиб, уларнинг ихтиёрларини бутунлай ўзига олиб қўйиши, ақлу-ҳушидан ҳам мосуво қилиниши неча-неча ғазалларда васф этилган. Масалан А. Навоийнинг катта устозларидан бўлган, мавлоно Лутфийнинг ҳам кошнинг таърифида битган куйидаги байти диққатга сазовордир:

*Ўқдайин қоматимизни ул қаро қошлиқлар учун,
Муттасил ёй қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,*

Эътибор берадиган бўлсак, инсоннинг ёшлиқдаги “ўқдай” (тик, тўғри) қоматини ҳам ўша “қора қошлиқлар” (гўзаллар) муттасил (доимо) ёй қиладурғон (этиб кўядиган) бу кўнгулдур, бу кўнгул дейишида ўша лирик қаҳрамоннинг қалби, кўнгли ўша қора қошлиқ гўзалларга бутунлай боғланиб

колиши, мафтун бўлиб колиши, ўз ихтиёри ўзида қолмаганлиги ҳолоти жуда таъсирли қилиб тасвирланган. Бунинг ҳаётий маъноси ҳам борки, инсон ўзлигини идора этолмай, иложсиз қолса ана шундай бўйни ҳам бўлиб қолади, эгилиб қолади. Мана тасвирида қора қошлиқлар туфай ошиқнинг қай ҳолатга тушиб колиши ҳаётий заминда асослаб берилган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўзининг юқорида биз келтирган байтида қош кўзининг лирик қаҳрамон кўнглига, калбига нечоғлиқ заҳмлар, балолар келтирганнини реал тасвирлаган. Лекин бу қош кўзи келтирган балолар замирида яна яхшилик, умидбахш интилиш, мафтун бўлиш, бу балоларга чидаган кўнгилинг беҳуда азият чекмагани, балки азият чекишга, қийналишга арзийдиган, қийналишларни енгиллатадиган. “ Бу қудуратлар аро руҳсору сафосинму дейин” деб унинг, гўзалнинг руҳсори сафосини, гўзал чиройини ҳам эслатиб ўтади. Ҳар бир ёмонликнинг, меҳнат-машаққатнинг пировардида руҳий коникиш, роҳат ҳам борлигини айтиб севгувчининг азият чеккан ошиқнинг кўнглига таскин ҳам беради. Аллома Навоийнинг бу орамбахш байтларидан илҳомланган Бобур ҳам шу маънодаги қалб туғёнини, ошиқнинг изтиробларини, нолаи зорларини тасвирлаб, ҳамда анъанавийлик одатига кўра Навоийга қуйидаги ғазалини ёзади:

Ё қошинг янглиг эгилган жисму зоримниму дей?

Ё сочингдек тийра бўлгон рўзгоримниму дей?

Ғазалдаги ажойиб ташбеҳлар ўхшатишлар, тавсифлар лирик қаҳрамоннинг ҳаёти, ўша гўзални кўргач, қалбида юз берган ҳолатларини муқояса қилиб кўрар экан, ёрнинг қоши каби эгилган жисми зорини, сочидек қора бўлган (тийра) рўзгорининг кўринишини, шу ҳолатга тушиб қолган қалб нидоси сифатида баён этилгани тасвирланган. Агар маъшуканинг қоши ёй каби эгилган бўлмаганда ошиқнинг жисми (қад-қомати) ҳам бу қадар эгилмаган, сочи шу қадар қаро бўлмаганда бу қош ғамида рўзгори ҳам тийра (қоронғу) бўлмаган бўларди деб мушоҳада қилинади. *Менга титратма тушди зарра янглиг изтироб айлаб, гўзални, маъшукали қуёшга, қуёш юзли* деб таърифлайди. Мазкур ташбеҳ Бобурда ҳам такрорланган ҳолда “ул ойнинг” сўзи орттирилган. Аммо шу ўринда “ул ойнинг” ташбеҳи ортиқчадек сезилади. “Қуёшдек оразу” деган тавсиф бир жойда “ул ой” тавсифи беҳожатдек туюлади. Чунки ой қуёшдан нур олиб бизга ёруғ, нурли бўлиб кўринади. Физикада ой қаро жисм дейилади. Демак қаро жисмга қуёш нури тушгач, ой ҳам нурли, ёруғ бўлиб кўринади. Яъни қуёш деб таърифланган жойда ой сўзини қуёшдан ортиқча эканлиги ўз-ўзидан равшандир. Кўриниб турибдики, Навоийдаги ҳусни латофати тўлишган Қуёш таъриф этилган жойда ойнинг тимсоли сал ноўринроқ кўринади. Шунинг учун қуёшга таъриф берилган

жойда ойни унинг хуснига боқиб бўлмайди. Алишер Навоийнинг “Топмадим” радифли ғазалидаги:

*Меҳр кўп кўргуздум аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баче қилдим фидо ороми жоне топмадим.
Ғам била жонимга еттим ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум дилситоне топмадим.*

мисраларга Заҳириддин Муҳаммад Бобур куйидаги байтларни тартиб беради:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.
Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгулни гирифтор топмадим.*

Анъанавий тарзда яратилган мазкур ғазалда Бобур Навоий ғазалидаги мазмун, ғоя ва қалб нидосини чуқур ҳис қилган ҳолда. Навоий ғазалларидаги маҳоратдан таъсирлангани ҳолда ўз ғазалини яратишга ҳаракат қилади. Бобур ғазалидаги тасвирда инсонга жондан ўзга ҳақиқий вафодорнинг бўлиши мумкин эмаслиги, инсон жисмида жон вафодорлиги яшамокнинг асосий шарти эканлиги, Ҳаётда умр жон вафодорлиги – бу яшамокнинг асосий тарзи, кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳаётдан кўз юмган инсонни “ўлди” ёки “вафот этди” дейиш ўрнига “умри вафо қилмади” деган сўз атрофлича ифода этилади. Ҳақиқатан ҳам, инсон кўнгли ўзининг қалб оламида асосий ўрин тутувчи ҳолатларни ўзида зоҳир этади ва инсон жисми жонига унинг ўша воқеа ёхуд ҳолатнинг таъсирини етказди, инсон қалбини ҳар хил-ижобий ва салбий турларга дуч келтиради. Сиртдан инсон қалбига таъсир этадиган нарса энг аввало кўнглида зоҳир бўлади, кўнгил ул нарсанинг яхши ёки ёмон томонларини, моҳиятини изоҳлаб, шарҳлаб беради. Ўз-ўзидан равшанки соф ва беғубор қалбгина дилафгор бўлиши мумкин. Ҳаётдаги нарсаларга чуқур разм солмайдиган, унинг моҳиятини тушунмайдиган қалб ҳеч қачон дилафгор бўлмаслиги мумкин. Соф ва таъсирчан кўнгилгина ташқаридан келган ҳар қандай нарсага акси таъсир этади.

Фикрларимизнинг хулосасида айтиш жоизки, мутафаккир ва аллома Алишер Навоий ижодиётига муҳаббат мумтоз адабиётда, хусусан, ғазал санъатида анъанавийликни сақлаш имконини беради. Заҳириддин Бобурнинг буюк даҳони ўзига устоз деб билгани боис, ғазал байтларида ўзаро муштараклик сезиларли даражада юзага келишига муваффақ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атиф илохийнома, - Т. 1994.
2. Ахлоқ ва одобга оид ҳадис намуналари -Т. 74-бет
3. Азимжонова С, Қаюмов А, Бобур. Ў-зФА 1960. .
4. Бобур, асарлари. 3 жилдлик, -Т. 1966. .
5. Валихўжаев Б, Бобурнинг танкидий қарашлари, СамДу, 1958. .
6. Гулбаданбегим, “Ҳумоюннома” -Т. 1959.
7. Бобур “Бобурнома” .- “Юлдузча”, Т.
8. Н.Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи.- Т., 1964.
9. Яссавий А, Девони хикмат.-Т., 1992..
10. Ўзбек адабиёти тарихи, мажмуа .-Т., 1995. .
11. У.Уватов, Донолар бисотидан, Т., 1974.
12. Кайковус, “Қобуснома”. –Т., 1992.
13. Хожа Абдуллох Ғиждувоний, “Васиятнома”- Т., 1993.
14. Хожа Ахрор Вали. Рисола волидия. –Т., 1991. .
15. В.Зоҳидов. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1960. .

НАВОИЙ ВА АБАЙ ИЖОДИДАГИ МУШТАРАКЛИК

Иманқул Гўлзина Насырқызы
Шымкент қаласы Алишер Навоӣ атындағы №11 жалпы орта бїлім
беретін мектеп директоры

Урманова Ақида Бегматовна
Қозғистон Республикаси, Шимкент шаҳри,
Алишер Навоӣ номли 11-умумтаълим мактаби

Ҳар бир халқнинг улуғ инсонлари, буюк шахслари, даҳолари ва алломалари бўлади. Улар ўз халқининг юрагида яшайди, эли билан ҳамнафас бўлиб, унинг дардига ҳам, қувончига ҳам шерик бўлади, ўзининг бутун умрини халқ манфаати йўлига бағишлаб, унинг фаровонлиги, равнақи, осойишта ҳаёти, ёрқин келажаги учун курашади. Улар халқини маърифатли, маданиятли ва салоҳиятли этиш учун бор билими, заковати ва кучини сафарбар этади. Халқи ҳам уларни шарафлайди, улуғлайди, юксакларга кўтаради.

Тарихимизга назар ташласак, бундай улуғ инсонлар, буюк шахслар Турон заминида кўп бўлганлигини, улар ўзларидан унутилмас эзгу ишлар ва улкан адабий мерослар қолдириб кетганлигининг гувоҳи бўламиз ва қалбимиз ифтихор туйғуларига тўлади.